

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

РОМАН-ГЕРМАН ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛТЕТИ

ФРАНЦУЗ ТИЛИ ФОНЕТИКАСИ ВА ГРАММАТИКАСИ КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

***Мавзу: Италян тилида феълга хос грамматик
категориялар***

Роман-герман филологияси факултети
3-курс талабаси
Боқиева Ирода

Илмий раҳбар : ф.ф.н. Сувонова Н.

Samarqand-2014

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш .

ФЕЪЛ АСОСИЙ СЎЗ ТУРКУМИ СИФАТИДА

1. Феълнинг грамматик моҳияти.....

2. Феълларнинг морфологик ва функционал таснифи.....

ФЕЪЛ ВА УНГА ХОС ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР ТАЛҚИНИ

1. Грамматик категория тушунчаси.....

2. Феълларда шахс ва сон категорияси.....

3. Майл ва замон категорияси.....

Х У Л О С А

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

К И Р И Ш

Ҳозирги кунда чет тилларни ўрганиш ва ўргатишга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда тилшунослик соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳам ўз аҳамияти ва салоҳияти билан ажралиб туради. Шундай экан, тилшунослик фани ҳам келажакдаги ёш тилшунослар олдига долзарб масалалар ечимини топиш, замон талабларига жавоб берадиган даражадаги улкан ишларни амалга ошириш сингари ўта масъулиятли вазифаларни юклайди.

Маълумки, тил жамиятнинг қай даражада тараққий этганлигини кўрсатиб берувчи ўзига хос кўзгу ҳисобланади. Халқнинг миллат даражасига кўтарилишида, шу халқни ташкил этувчи кишиларнинг орзу-мақсадлар йўлида жипслашишида, шубҳасиз, тилнинг роли беқиёсдир. Мамлакатимизда ҳам миллий мустақилликка эришиш учун қилинган ҳаракатларнинг дебочасида айнан тил масаласи турганлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, фақат мустақиллик туфайлигина ўзбек тили давлат миқёсидаги тилга, бошқа давлатлар билан музокараларда қўлланиладиган, қонунлар яратиладиган, илмий тадқиқотлар ёзиладиган тилга айланди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, «тилшунослик соҳасидаги илмий излинишлар, авваламбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейиги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир»¹

Мавзунинг долзарблиги. Танланган мавзунинг долзарблиги италян тилидаги феъл сўз туркуми ва унинг ўзига хос грамматик категориялари масаласини ҳар томонлама тавсифлашдан иборат эканлиги билан изоҳланади. Морфологияда асосий сўз туркумларидан бири ҳисобланмиш феълларни чет тилларидан италян тили мисолида кўриб чиқиш италян тили грамматикасидаги грамматик категорияларнинг сўз туркумларига нисбатан тадбиғи масаласини чуқур ўрганишга, унга хос лингвистик моҳиятни

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент : 1995. – Б. 55.

тавсифлашга, қолаверса, уларни бадиий матнларда ўқиб тушуниш жараёнида ҳам катта аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Италия тили грамматикасининг кўпчилик хусусияти романшуно тилшунослар томонидан ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, италян тили морфологиясида мустаҳкам ва кенг ўрин эгаллаган феъл сўз туркуми ўта серкирралиги боис хануз илмий тадқиқотлар объекти бўлиб келмоқда. Хусусан, феъл сўз туркумига хос грамматик категориялар муаммоси ўзига хос жиҳатлари орқали тилшунослар диққат марказидан ўрин олган. Шунинг учун ҳам биз ўз курс ишимизни италян тилидаги феъл сўз туркумига хос грамматик категориялар асосида олиб боришга ҳаракат қилдик.

Курс ишининг мақсад ва вазифалари. Ушбу курс ишининг олдига қўйилган асосий мақсад италян тилидаги феъл сўз туркуми талқинидан иборат бўлиб, бу хусусда қуйидаги вазифаларларни бажаришга эътибор қаратилди:

- Ҳозирги замон италян тилшунослигида феъл сўз туркумининг назарий талқини ҳамда унинг асосий лингвистик моҳиятини тавсифлаш;
- Грамматик категория тушунчасини тавсифлаш;
- Феъл сўз туркуми италян морфологик системасининг асосий сўз туркумларидан бири эканлигини ёритиш;
- Италияча феъл сўз туркумига хос лексик ва семантик хусусиятларни, хусусан, улар семантикасини тавсифлаш;
- Феъл сўз туркумига хос грамматик категорияларнинг ҳар бирини алоҳида тарзда намоён этиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тилшуносликнинг грамматика ва ундаги морфология соҳаси тадқиқот объектини, шунингдек, феъл сўз туркуми ҳамда унинг грамматик категориялари эса тадқиқот предмети ташкил этади.

ФЕЪЛ АСОСИЙ СЎЗ ТУРКУМИ СИФАТИДА

1. Феълнинг грамматик моҳияти.

Феъллар ҳаракат маъносини билдирувчи сўзлардир. Грамматикада ҳаракат маъноси жуда кенг бўлиб, у *lavorare* – *ишламоқ*,, *partire* – *жўнаб кетмоқ* каби ҳаракатларни, *sognare* – *орзу қилмоқ*, *dormire* – *ухламоқ* каби ҳолатларни, *rispettare* – *ҳурмат қилмоқ*, *amare* – *яхши кўрмоқ* каби феъллар ифодаляйдиган ва шу каби ҳаракат ва ҳодисаларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси ўзига хос хусусий томонларга эга бўлиши билан бир каторда, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган томони ҳам мавжуддир, яъни буларнинг ҳаммаси замон билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ҳодисалар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ҳодисаларнинг ҳаммаси *нима қилмоқ?* сўроғига жавоб бўлади. Уларни бир гуруҳга киритиш ва "феъл" деб аташда ҳам худди ана шу хусусияти асос бўлиб ҳисобланади.

Феъл мустақил сўз туркуми бўлиб, у ҳаракат, ҳолат ёки жараёни, яъни маълум бир белгининг пайдо бўлиши ва ўзгариши кабиларни ҳаракатни ифодаляйди. Феълга хос бундай маъноларнинг барчаси уни бошқа сўз туркумларидан фарқлашга ёрдам берадиган умумий ҳаракат маъносига бориб тақалади.

Роман тилшунослари таъкидлаганидек, феъл вақт давомида содир бўладиган белгининг, ҳаракатнинг грамматик аҳамиятини ифодаляйдиган сўз туркуми бўлиб ҳисобланади (Arrivé M., Gadet F., Galmiche M., *La grammaire d'aujourd'hui*, Paris, 1986.-P. 104). Ҳаракатнинг грамматик аҳамиятини кенг маънода тушуниш мумкин. У нафақат ҳаракат ва том маънодаги фаолиятни ифодаляйди, балки ҳолатни ва маълум бир предмет ёки шахснинг мавжудлигини кўрсатади. Масалан:

Ve lo prometto. – *Мен сизга ваъда бераман;*

Mario dorme. - *Марио ухляпти.*

Gino dipinge un quadro. – *Жино расм чизаяпти;*

Gino guarda la TV. - *Джино телевизор кўраяпти.*

Муҳими шундаки, феъл ўзида маълум бир вақт давомида содир бўладиган ҳаракатга хос хусусиятларни акс эттиради. Бу хусусиятлар феълнинг шахсли шаклларида намоён бўлади ва шунинг учун ҳам феъл шахсли шаклларининг синтактик вазифаси гапда фақат кесим сифатида қўлланилишдан иборатдир.

Феълнинг сўз ўзгартириш тизими бошқа сўз туркумларига қараганда анча бой ва хилма-хилдир. У нафақат флексив тилларга хос бўлган синтетик усулга эга, балки ўзакка формантлар қўшилиши ёки аналитик усулга ҳам эгадир. Шунини таъкидлаш жоизки, феъл аналитик шаклларга эга бўлган ягона сўз туркуми ҳисобланади. Феълларнинг сўз ўзгартирувчи тизимига алоҳида эътибор қилсак, аффиксация усули билан ясаладиган суффиксли феъллар анча кўпчиликни ташкил этишининг гувоҳи бўламиз.

Италян тилида феъллар одатда уч гуруҳга бўлинади, яъни биринчи гуруҳга *-are* (*parlare-гапирмоқ*), иккинчи гуруҳга *-ere* (*vedere*) ва учинчи гуруҳга эса *-ire* (*partire-жўнаб кетмоқ*) қўшимчалари билан тугаган феъллар киради. Шулардан биринчи гуруҳга тегишли бўлган *-are* қўшимчали феъллар анча кенг тарқалган феъллардан бўлиб ҳисобланади.

Италян тилида феъллар ташқи тузилишига кўра грамматик категориялари ва синтактик вазифаларига боғлиқ тарзда шахсли ва шахсиз шаклларга бўлинади. Феълларнинг шахсли шакллари гапда доимо кесим вазифасини ўтайди, шахсиз шакллари эса гапда турли хил гап бўлаклари вазифасида келиши мумкин, лекин ҳеч қачон кесим вазифасида қўлланила олмайди. “*Шахсиз*” деган атамадан ҳам кўриниб турибдики, улар шахс грамматик категориясига эга эмас, шунингдек, сон ва майл категориялари ҳам уларда мавжуд бўлмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, феъллар гапда доимо кесим вазифасини ўтайди. Бу ҳолат эса уларнинг синтактик хусусиятларини кўрсатувчи асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Хусусан, уларнинг гапда от кесим ва феъл кесим вазифасида иштирок этиши шулар жумласидандир. Феъллар ёрдамида амалга ошадиган бундай синтактик ҳодисалар уларга хос предикативлик

функциясини намоён этувчи муҳим синтактик жараёнлардан бири бўлиб хизмат қилади. Келтирилган бу ҳолатлар феълларганинг шахсли шакллариغا хос хусусиятлар бўлиб саналади.

Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, италян тилида феълларнинг шахссиз шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларда шахсли шакллар эга бўлган хусусиятларни ўзларида акс эттириш хусусияти мавжуд эмас, яъни улар шахсли шаклларга эга бўлган феъллардан синтактик нуқтаи назардан тубдан фарқ қилади. Яъни улар гапда кесим вазифасида эмас, балки, бошқа гап бўлаклари, жумладан, эга, тўлдирувчи ва аниқловчи каби синтактик функцияларни бажариши мумкин.

Италян тилида феълнинг шахссиз шакллари инфинитив, герундий ва сифатдошлар ташкил этади. Шулардан *Infinito* –инфинитив феълларнинг ноаниқ шакли бўлиб, у феълларга хос бўлган шахс, сон, майл, замон ва нисбат категорияларининг бирортасига ҳам эга эмас. Бироқ инфинитивларнинг гапда модал феъллар билан биргаликда келган шакллари бу ҳолатлардан мустаснодир. Масалан, *Devo svegliarmi presto* – *Мен эрта уйғонишим керак* деган гапда феълнинг шахссиз шакли бўлиб ҳисобланган инфинитив бошқа асосий феълга ёрдамчи сифатида хизмат қилмоқда.

Италян тилида инфинитивларнинг икки хил замон шакли мавжуд. Булар *presente (leggere, partire)* ва *passato (aver letto, essere partito)* замонларидир. Инфинитивларнинг замонга хос шакллари абсолют вақтни ифодаламайди, балки бошқа ҳодисаларнинг замонга мувофиқлигини кўрсатади.

Италян тилида инфинитивлар мустақил (*indipendente*) ва тобе (*dipendente*) интфинитивларга бўлинади. Шулардан мустақил инфинитивлар бошқа феъл шаклларига тобе бўлмайди ва улар гапда қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

1. Эга вазифасида:

Fumare è nocivo alla salute. – Чекиш – соғлиқ учун зарарли.

Praticare lo sport fa bene alla salute.- Спорт билан

шуғулланиш соғлиқ учун фойдали..

2. Риторик саволларни ифодаловчи эмфатик гапларда:

Cosa rispondere? – Қандай жавоб бериш керак?
Dove andare? – Қаерга бориш керак?
Che fare? – Нима қилиш керак?

3. Ҳис-ҳаяжон гапларда:

Piuttosto morire! Che andarci! – У ерга боргандан кўра, Ўлган
афзал!

Vivere! Come è bello! - Яшаиш! Қандай гўзал!

Италян тилида инфинитив шакллар буйруқ гапларда кенг қўлланилади.
Бундай ҳолатни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин:

1. Оғзаки нутқда: *Circolare! Circolare! - Ўтинг! Ўтинг!*

2. Оғзаки нутқнинг ёзма шаклида: *Evitare il contatto con gli occhi. – Кўзга*

тушишидан эҳтиёт бўлинг;

3. Ўқув дарсликларидаги топшириқларда: *Volgere al plurale. – Кўпликка*

қўйинг;

Мустақил бўлмаган инфинитивлар эса гапда маълум бир феъл ёрдамида бошқарилади. Масалан, бу ҳолатга қуйидагича мисол келтириш мумкин: *Non vuole partire. – У кетишни хоҳламайди.; Il suo sogno è (di) tornare. – Унинг орзуси-қайтиш; L'importante è (di) non fumare. – Муҳими - чекмаслик..*

Бундан ташқари, инфинитивлар Infinito con Accusativo оборотида ҳам кулланиши мумкин: *Lo vedevo entrare. – Унинг қандай кираётганини кўрдим; La sento cantare. – Унинг қандай куйлаётганини эшитдим. Шунингдек,*

каузатив курилмаларда ҳам инфинитивлар кенг тарзда ишлатилади: *Non si fece pregare* – У ўзини қутилишга мажбур қила олмайди.

Италян тилида феълларнинг шахссиз шаклларида яна бири герундий бўлиб, у феълларга хос иккинчи даражали ҳаракатни ифодалаш учун хизмат қилади. Унинг тилда икки хил шакли мавжуддир: *presente* ва *passato*. Масалан, уларга шундай мисоллар келтириш мумкин: *lavorando* - ишлаётмиб, *partendo* - кетаётмиб, *svegliandosi* – уйғонаётмиб, *avendo lavorato* – ишлаб, *essendo partito* – кетиб, *essendosi svegliato* - уйғониб.

Италян тилида феълларнинг шахссиз шаклларида яна бири сифатдош (*participio*) бўлиб, у ўзида сифатга хос хусусиятларни акс эттиради. Унинг тилда икки хил шакли мавжуддир: *presente* ва *passato*. Масалан қуйидаги мисолларга эътибор қилайлик: *I beni appartenenti ai singoli individui.*- алоҳида шахсга тегишли мулк; *Le statue raffiguranti marinai, soldati, partigiani vanno eseguiti in bronzo.*- Моряк, солдат ва партизанларни акс эттирадиган ҳайкаллар бронзадан қилиниши лозим. Уларнинг ўтган замон шакллари кўпинча ўтимли феъллар билан ясалади. Масалан:

un problema risolto recentemente – Яқинда ҳал қилинган масала;

un libro letto – ўқилган китоб;

2. Феълларнинг морфологик ва функционал таснифи.

Италян тилида мавжуд бўлган феълларнинг барчаси маълум бир морфологик хусусиятларига кўра икки гуруҳга бўлинади. Бу маълум бир морфологик хусусият уларнинг замонларда тусланиш усуллари билан боғлиқдир.

Биринчи гуруҳга тўғри феъллар, иккинчи гуруҳга эса нотўғри феъллар киради. Тилшуносликда баъзи бир олимлар уларни стандарт ва стандарт бўлмаган феъллар гуруҳи деб атайдилар. Биринчи гуруҳ, яъни тўғри тусланувчи

феъллар тусланиш парадигмасидан узоқлашмаган ҳолда маълум бир қоидаги тобе тарзда, хусусан, феъл ўзагига тегишли шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади. Шунинг учун ҳам улар тўғри тусланувчи феъллар деб аталади. Масалан, *cantare - canto canti canta cantiamo cantate cantano*. Нотўғри тусланувчи феъллар эса белгиланган маълум қоидаларга бўйсинмайди ва у сабабли уҳам улар нотўғри тусланувчи феъллар деб аталади. Уларга *avere* (эга бўлмоқ) ва *essere* (бор бўлмоқ) каби феъллар киради.

Бундан ташқари, италян тилида модал феъллар ҳам мавжудки, улар ҳам нотўғри феъллар таркибига киради. Масалан, уларга мисол тариқасида қуйидаги феълларни келтириш мумкин:

Potere (қила олмақ): *posso, puoi, può, possiamo, potete, possono;*

Volere (хоҳламоқ): *voglio, vuoi, vuole, vogliamo, volete, vogliono;*

Dovere (қилиши керак бўлмоқ, мажбур бўлмоқ): *devo* (баъзан *debbo*), *devi, deve, dobbiamo, dovete, devono* (баъзан *debbono*)

Sapere (билмоқ): *so, sai, sa, sappiamo, sapete, sanno;*

Шунингдек, италян тилида яна шундай феълларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозимки, улар тусланиш жараёнида ўзига хос хусусият касб этади. Буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Dare (бермоқ): *do, dai, da, diamo, date, danno;*

Fare (бажармоқ): *faccio, fai, fa, facciamo, fate, fanno;*

Dire (гапирмоқ): *dico, dici, dice, diciamo, dite, dicono;*

Bere (ичмоқ): *bevo, bevi, beve, beviamo, bevete, bevono;*

Tradurre (таржима қилмоқ): *traduco, traduci, traduce, traduciamo, traducete, traducono;*

Феълларнинг функционал таснифи ҳақида гапирар эканмиз, аввало шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг функционал жиҳатдан таснифланиши

феълларнинг гапда кесимнинг у ёки бу тури вазифасида келиши билан боғлиқдир. Феълларнинг бундай хусусияти бевосита лексик жиҳатдан тўлиқ маънога эғалигининг даражасидан келиб чиқади. Шунга кўра улар мустақил ва ёрдамчи феълларга бўлинади. Мустақил феъллар лексик жиҳатдан тўлиқ қийматга ва мустақил маънога эга бўлиб, улар маълум бир ҳаракат ёки ҳолатни ифодалай олади. Ёрдамчи феъллар эса гапдаги кесим таркибида соф грамматик вазифани бажаради.

Ёрдамчи феъллар ўз навбатида ёрдамчи ва боғловчи феълларга бўлинади. Ёрдамчи феъллар феълларнинг аналитик шаклларида соф грамматик компонент сифатида иштирок этади. Бунда улар лексик қийматларини батамом йўқотадилар ва шунинг учун ҳам улар бошқа мустақил феъллар билан бирикиш имкониятига эга бўладилар. Масалан, яқин ўтган замонни (*Passato prossimo*) ифодалаш учун ёрдамчи феъллардан фойдаланилади. Бунинг учун *essere* ёки *avere* феъллари ҳозирги замонда тусланади ва тусланиши керак бўлган асосий феълнинг ўтган замон сифатдоши (*Participio passato*) унга қўшилади. Буни қуйидагича жадвалда яққолроқ акс эттириш мумкин:

		<i>avere</i> феъли билан		<i>essere</i> феъли билан	
		тусланувчи феъллар		тусланувчи феъллар	
Бирлик	1-ш.	ho	+ сифатдош (lavorato)	sono	+ сифатдош (partito/-a/)
	2-ш.	hai		sei	
	3-ш.	ha		è	
Кўплик	1-ш.	abbiamo	+ сифатдош (lavorato)	siamo	+ сифатдош (partiti /-e/)
	2-ш.	avete		siete	
	3-ш.	hanno		sono	

Бундан ташқари, яна шуни таъкидлаш мумкинки, италян тилида бу икала ёрдамчи феълларнинг қандай ҳолатда қайси феъллар билан биргаликда қўлланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолатни қуйидагича тарзда ифодалаш лозим:

Италян тилидаги *avere* ёрдамчи феъли билан шундай феъллар тусланади:

1. Италянча *fare, leggere, vedere* каби ўтимли феъллар :

Ho fatto il mio lavoro. – Мен ишимни қилдим;
Ha letto questo libro. – У бу китобни ўқиди;
Abbiamo visitato Firenze. – Биз Флоренцияга ташириф буюрдик.

2. *avere* феълининг ўзи билан:

Ho avuto poco tempo. – Менинг вақтим кам эди;
Hanno avuto da fare. – Уларнинг ишлари бор эди;

3. Бир қанча *parlare, bussare, lavorare* каби ўтимсиз феъллар билан, шунингдек, инсонларга хос психофизик ҳолатларни ифодаловчи *piangere, ridere, dormire, mangiare* каби феъллар билан:

Ha dormito bene. – У яхши ухлаб турди;
Ci hanno sorriso. – Улар бизга қараб жилмайишиди;
Abbiamo mangiato bene. Биз яхши овқатландик;

4. Табиий ҳодисаларни ифодаловчи феъллар билан:

Ha piovuto tutta notte. – Туни билан ёмғир ёғди;
Ha lampeggiato. – Момақалдироқ гумбурлади

Агар гапда асосий эътибор табиат ҳодисасига эмас, балки, унинг натижасига нисбатан қаратилган бўлса, у ҳолда *essere* ёрдамчи феълидан фойдаланилади:

Ieri è piovuto: le strade sono bagnate. – Кеча ёмғир ёғди : кўчалар ҳўл.

Бундай ҳолларда *avere* феъли билан юқоридаги каби феълларнинг бирикиши мумкин эмас, лекин у ўзининг лексик маъносини йўқотиши уларнинг гап кесимини биргаликда ташкил этишини тақозо этмоқда.

Компонентлар ўртасидаги синтактик муносабатнинг бундай тарзда йўқолиши аналитик шаклларнинг асосий белгиларидан бири саналади.

Италян тилидаги *essere* феъли билан қуйидаги феъллар тусланади:

1. Кўпчилик ўтимсиз феъллар, яъни *stare, rimanere, nascere, morire* каби ҳамда *andare, partire, entrare, uscire* сингари ҳаракат феъллари :

*È andato a casa. – У уйга кетди.
Sono tornati. – Улар қайтишди.*

2. *svegliarsi, alzarsi, lavarsi* каби барча олмошли феъллар:

Gino si è alzato tardi. – Джино кеч турди.

3. Мажхул шаклдаги феъллар:

*Il ponte è stato costruito recentemente. – Кўприк яқинда қурилган эди;
L'appuntamento è stato rimandato. – Учрашув бошқа кунга қолдирилган.*

Ёрдамчи феълларнинг иккинчи майда гуруҳини боғловчи феъллар ташкил этади. Уларнинг грамматик вазифаси маълум бир предмет(ходиса)ни ўзининг бирор бир белгиси билан боғлаб кўрсатишдан иборатдир. Улар боғловчи – феъллар деб аталиб, гапда худди мустақил синтактик бирлик сифатида фаолият кўрсатади. Боғловчи-феълларнинг бир гуруҳи маълум бир маънода лексик семантикага эга бўлса, яна бир гуруҳи эса, ўзларида айнан боғловчилик хусусиятини акс эттиради.

Мустақил феъллар қуйидаги хусусиятларига эга: ҳаракатни билдиради, яъни мустақил маънога эга бўлади ва гапда унинг бирор бўлаги сифатида кела олади. Ёрдамчи феъллар эса, ҳаракатни билдирмайди, яъни мустақил маънони ифодалай олмайди деб изоҳ берилади. Лекин, италян тилида бутунлай ёрдамчи феълга айланган, яъни мустақил маъносини йўқотиб, фақат ёрдамчи феъл сифатида қўлланиладиган бирорта ҳам феъл йўқ. Айрим мустақил феъллар ёрдамчи феъл вазифасида қўлланилади ва турли-туман маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Италян тили грамматикасида юқоридаги феъллардан ташқари модал феъллар ҳам мавжуд бўлиб, улар агенснинг ҳаракатга бўлган муносабатини ифодалайди. Бу муносабат ўз навбатида имконият ва мажбурият маъноларидан ташкил топади. Бу эса модал феълларга хос асосий грамматик маънолар ҳисобланади.

Модал феълларда шахс ва сон категориялари мавжуд бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўтган замон шаклига эга эмас. Келаси замон шакллари эса уларда умуман йўқ. Шунинг учун ҳам келаси замон маъноси уларда тасвирий қурилмалар орқали ифодаланади.

Феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг объектга бўлган муносабати турлича бўлади. Бир хил феъллар ҳаракатнинг бирор нарсага ўтганлигини билдиради. Баъзи феъллар эса ҳаракатнинг предмет-объектга ўтмаганлигини билдиради. Шунинг учун ҳам феъллар ҳаракат ва ҳолатнинг предмет-объектга бўлган муносабатига қараб икки турга бўлинади: 1) ўтимли феъллар ва 2) ўтимсиз феъллар.

Ўтимлилик семантик-синтактик категория ҳисобланади. Унинг семантик томони шундан иборатки, у феъл билан тўлдирувчи ўртасидаги маъновий боғлиқликни ифодалайди. Италян тилида кўпчилик феъллар тўлдирувчисиз қўлланилмайди. Агар қўлланилганда ҳам феъл ўзнинг маъносини ўзгартиради. Ўтимлиликнинг синтактик томони шундан иборатки, у феълнинг айнан воситасиз тўлдирувчи билан бўлган муносабатини ифодалайди.

Феъл туркумига хос категориялардан ўтимлилик ва ўтимсизлик доимо тадқиқот объекти бўлиб келган. Шунга қарамай, бу ҳодиса ҳамон тилшунослар эътиборини тортмоқда. Бу борада қанчадан-қанча тилшунос олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Уларнинг ушбу масала юзасидан юритган фикрларига назар ташласак, шу нарса аён бўладики, унинг тил сатҳларидан қайси бирига хослиги масаласи олимларни ўзига жалб қилади. Бу категория феъл сўз туркумига хос. Демак, у морфологик сатҳ объекти бўлиб ҳисобланиши керак. Аммо унинг морфологик кўрсаткичи

мавжуд эмас. Шунинг учун ўтимлилик ва ўтимсизлик маъноси феъл асосининг семантикаси билан белгиланади ва феъл ифодалаган ҳаракатнинг объектга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу синтактик сатҳда намоён бўлади. Шундай экан, бу категория қайси сатҳ объекти деган савол туғилиши табиий.

Кўпчилик тилшунос олимларнинг фикрича, маълум бир феълдан англашилаётган ҳаракат субъектдан объектга ўтса ва унга таъсир қилса бундай феъллар ўтимли феъллар деб аталади.

Ўтимли феъллар доимо бирор бир объектни талаб этади, чунки ўтимли феъл гапда тўлдирувчисиз ишлатилса гапнинг маъноси тўлиқ бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар объектли феъллар деб аталади. Италия тилида ўтимли феъллар гапда S+V+O формуласи асосида намоён бўлади. Бунда S – эга, V – кесим, O – воситасиз тўлдирувчи маъносини англатади. Баъзи бир тилшунослар ўтимлилик ва ўтимсизлик категориясига алоҳида тўхталмайдилар ва тўғридан-тўғри нисбат категорияси билан боғлаб тасвирлайдилар.

Феъл мустақил сўз туркуми бўлиб, у ҳаракат, ҳолат ёки жараёни, яъни маълум бир белгининг пайдо бўлиши ва ўзгариши кабиларни ҳаракатни ифодалайди. Феълга хос бундай маъноларнинг барчаси уни бошқа сўз туркумларидан фарқлашга ёрдам берадиган умумий ҳаракат маъносига бориб тақалади.

Италян тилида феъллар одатда уч гуруҳга бўлинади, яъни биринчи гуруҳга *-are* (*parlare-гапирмоқ*), иккинчи гуруҳга *-ere* (*vedere-????*) ва учинчи гуруҳга эса *-ire* (*partire-жўнаб кетмоқ*) қўшимчалари билан тугаган феъллар киради. Шулардан биринчи гуруҳга тегишли бўлган *-are* қўшимчали феъллар анча кенг тарқалган феъллардан бўлиб ҳисобланади. Феълларнинг функционал таснифи ҳақида гапирар эканмиз, аввало шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг функционал жиҳатдан таснифланиши феълларнинг гапда кесимнинг у ёки бу тури вазифасида келиши билан боғлиқдир. Феълларнинг бундай хусусияти бевосита лексик жиҳатдан тўлиқ

маънога эгалигининг даражасидан келиб чиқади. Шунга кўра улар мустақил ва ёрдамчи феълларга бўлинади. Мустақил феъллар лексик жиҳатдан тўлиқ қийматга ва мустақил маънога эга бўлиб, улар маълум бир ҳаракат ёки ҳолатни ифодалай олади. Ёрдамчи феъллар эса гапдаги кесим таркибида соф грамматик вазифани бажаради.

Модал феълларда шахс ва сон категориялари мавжуд бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўтган замон шаклига эга эмас. Келаси замон шакллари эса уларда умуман йўқ. Шунинг учун ҳам келаси замон маъноси уларда тасвирий қурилмалар орқали ифодаланади.

Феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг объектга бўлган муносабати турлича бўлади. Бир хил феъллар ҳаракатнинг бирор нарсага ўтганлигини билдиради. Баъзи феъллар эса ҳаракатнинг предмет-объектга ўтмаганлигини билдиради. Шунинг учун ҳам феъллар ҳаракат ва ҳолатнинг предмет-объектга бўлган муносабатига қараб икки гуруҳга бўлинади.

ФЕЪЛ ВА УНГА ХОС ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР ТАЛҚИНИ

1. Грамматик категория тушунчаси.

Ҳар қандай тил грамматик қурилишининг асосий элементи грамматик категориядир. Маълум грамматик маънолар ва уларга хос ифода шаклларининг бир бутун системаси грамматик категория деб юритилади. Грамматик маъно билан унинг шаклий ифодаси биргаликда бир бутунлик ҳосил қилади. Бунда бири бошқасисиз мавжуд бўлмайди ва улар назарий грамматикада грамматик белги деган тушунча замирида ётади. У ўзида шакл ва мазмун бирлигини гавдалантиради. Бундай белгининг мазмуни икки ва ундан ортиқ маънолар қарам-қаршилигидан юзага келади. Грамматик категория сўзларнинг шаклан ўзгаришида ёки ёрдамчи сўзларнинг ишлатилишида, сўз тартибининг ўзгаришида ва гапдаги интонацияда ўз ифодасини топади.

Юқорида қайд қилганимиздек, грамматик категория грамматик маъно ва грамматик шакл мажмуасидан иборатдир. Грамматик категория тил бирикларига хос бўлган умумлашган характердаги умумий маънолар бўлиб, грамматик маъно бу умумий маъноларнинг хусусий кўринишидир. Грамматик категориянинг мазмун доирасини муайян лисоиний воситалар орқали маълум сўз туркумларида, бирикмаларида ва гапларнинг турларида ўз ифодасини топган умумий маънолар ташкил этади.

Грамматик категория термини грамматик маънога нисбатн кенгдир. Масалан, италян тилидаги отларда *–i* морфемаси орқали ифодаланган кўплик формаси бундай махсус кўрсаткичнинг йўқлиги, яъни *–ноль* форма билан ифодаланган унинг бирлик формасига зиддир


Умумий грамматик маънони ташкил этувчи хусусий маънолар бир-бирига зид бўлади, бир-бирини инкор қилади ва шу билан бирга бир-бирини доимо тақозо қилади. Масалан, отларга хос грамматик сон категорияси деб ном олган тил ҳодисасини кўриб чиқайлик: *libro – libri* , яъни *китоб – китоблар*.

Чап томондаги сўзларни биз сон нуктаи назаридан бирлик деймиз. Бундай дейишимизга сабаб-улар иккинчи устундаги сўзлардан фарқ қилади. Чунки, ўнг томондаги сўзлардаги – *i* унсури уларда мавжуд эмас.

Ўнг томондаги сўзларни биз кўпликда деймиз, чунки улар чап томондаги сўзлардан ўзларидаги – *i* қўшимчасининг борлиги билан фарқ қилади. Шундай қилиб, грамматик маъно қиёслаш йўли билан аниқланади.

Чап ва ўнг томондаги сўзларнинг келтирилган грамматик маънолари бир-бирига зид, яъни бирлик ва кўплик маънолари. Лекин, ана шу бир-бирига зид икки хил маъно биргаликда сон категориясини ташкил этади. Шу билан бирга, бу категорияга қиравчи бирлик ва кўплик маънолари доимо бири иккинчисини бор бўлишини тақозо этади. Тилларда бирлик маъноси борлиги учун биз кўпликни ажрата оламиз ёки аксинча, тилларда кўплик маъноси борлиги учун бирликни фарқлай оламиз. Агар тилларда отлар фақат бирликда ишлатилганда, биз кўплик тўғрисида ҳеч қачон гапирмаган бўлар эдик, бирлик тушунчага ҳам ҳожат қолмаган бўлар эди. Бу фикр тушунарли бўлиши учун антоним сўзларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, *яхши* деган тушунча борлиги учун, биз *ёмонлик*ни ажратамиз, *торлик* тушунчаси борлиги учун *кенглик* тушунчасини ажратамиз ва ҳоказо.

Грамматик категориялар грамматик маъно ва грамматик шаклдан ташкил топади. Масалан, юқорида кўриб чиқилган сон категориясини шу нуктаи назардан қуйидагича изоҳлаш мумкин:



Грамматик категориялар ифодаланиш усулиги кўра уч турга бўлинади:

- 1) синтетик грамматик категориялар;
- 2) аналитик грамматик категориялар;

3) аралаш грамматик категориялар ёки синтетик – аналитик грамматик категориялар;

Синтетик грамматик категориялар аффиксал морфемалар орқали ифодаланади. Масалан, италян тилидаги сон ва келишик категориялари шулар жумласидандир.

Аналитик грамматик категориялар фақат ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, италян тилидаги ўтган замоннинг ясалишига ўхшаш ҳолларда бунинг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

No fatto il mio lavoro. – Мен ўз ишимни бажардим;

Ha letto questo libro. – У бу китобни ўқиб чиқди;

Аралаш ёки синтетик-аналитик грамматик категориялар бир вақтнинг ўзида ҳам аналитик, ҳам синтетик воситалар билан ёки бошқача қилиб айтганда, ҳам грамматик аффиксал, ҳам мустақил грамматик морфемалар ёрдамида ифодаланади. Бундай грамматик категориялар италян тилида кўплаб учрайди. Масалан, италян тилида феълларда нисбат категорияси қуйидагича ясалади:

Н и с б а т к а т е г о р и я с и



—

аниқ нисбат

essere + V

мажхул нисбат

Мисол келтирсак, бу нарсаянада яққол намоён бўлади:

Il ponte è stato costruito recentemente. – Кўпрук яқинда қурилган эди;

Шундай қилиб, тилшуносликдаги грамматик категория тушунчаси грамматик маъно ва грамматик шаклдан иборат тушунчани ташкил ташкил этади.

Сўз туркумларига хос грамматик категориялар хусусида гап кетганда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай тилда грамматик категориялар сони турлича бўлиши мумкин. Масалан, курс ишимизнинг тадқиқот объекти ҳисобланган феълларга хос грамматик категорияларни олиб қарайлик. Улар

барча тилларда ҳар хил кўринишга эга бўлади. Масалан, ўзбек тилида феълларда род катеорияси мавжуд эмас. Лекин бу категория италян тили феъл сўз туркумига хос грамматик категория бўлиб ҳисобланади.

Дастлабки вазифаларига кўра грамматик категориялар 3 гуруҳга бўлинади:

1. Объектив борлиқдан мазмун касб этадиган категориялар. Бундай категорияларда гапирувчининг нуқтаи назарига боғлиқ бўлмаган ҳолда моддий борлиқдаги объектларнинг хусусияти ва муносабати акс эттирилади. Отлардаги род категориясини, шарт. Сабаб ва шу каби муносабатларни ифодаладиган синтактик категорияларни объектив категориялар қаторига киритиш мумкин.

2. Субъектив ва объектив мазмунли категориялар. Бундай категорияларда гапирувчининг нуқтаи назарига биноан моддий борлиқдаги объектларнинг хусусияти ва муносабати акс эттирилади. Олмошлардаги шахс, феъллардаги даража, майл, замон шундай категориялар ҳисобланади. Мулоқот қилаётганларнинг мавзудан нечоғлиқ хабардор эканлигига ишора қиладиган тилдаги детерминация, коммуникатив бирликларнинг актуал бўлакларга бўлиниши, савол ва бошқаларни ҳам манна шу категория турига киритиш мумкин.

3. Ассемантик формал категориялар. Сифатлардаги род ва сон, айрим предлогларнинг боғловчи функцияси формал категорияларга киради.

Айрим грамматик категориялар ўз вазифаларини ўзгартириши ва ҳатто йўқотиши ҳам мумкин. Масалан, италян тилидаги саналадиган отларда сон категорияси мазмун касб этади, аммо саналмайдиган отларга нисбатан ишлатилган кўплик категорияси ўз вазифасини йўқотади.

Маълумки, грамматик категориялар сўзларнинг туркумланишида ва уларнинг муайян туркум ичида гуруҳланишида катта аҳамиятга эга. Бинобарин, грамматик категориялар сўзларни таснифлаш ва уларни ўзгартириш хусусиятларига кўра ҳам гуруҳланиши мумкин. Италян тилидаги

феъл сўз туркумининг ичидаги гуруҳланишига, уларнинг тўғри ва нотўғри тусланувчи феъллар гуруҳига бўлинишини киритиш мумкин.

Сўз ўзгартирувчи грамматик категориялар тилда кўпчиликни ташкил этади ва қуйидаги турларга бўлинади:

1. Соф грамматик категориялар. Бундай грамматик категориялар муайян туркумга оид сўзларнинг барчасига хос бўлади. Масалан, сифатлардаги род ва сон, феъллардаги замон ва майл кабилар.

2. Лексик-грамматик категориялар. Бундай грамматик категориялар муайян туркумга оид сўзларнинг маълум қисмигагина хос бўлади. Масалан, феълларда нисбат категорияси, яъни фақат ўтимли феъллардангина мажхул нисбат яшаш мумкин бўлади.

Ҳар бир грамматик категория маълум маънога эга ва у лексик маъно билан чамбарчас боғлиқ. Аммо грамматик маънонинг ва лексик маънонинг табиати турлича бўлади. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйида кўриб чиқамиз.

Грамматик маъно ва лексик маъно бир-биридан қуйидагилар билан фарқ қилади:

1. Номинатив функцияга эга ёки эга эмаслиги билан. Грамматик шакллар номинатив функцияни билвосита бажариши мумкин ёки умуман бажармаслиги ҳам мумкин. Улар борлиқдаги объектларга билвосита ишора этишлари ёки ишора этмаслиги ҳам мумкин.

Лексик маъно сўзнинг луғавий маъносидир. Унинг таркиби предметларни номлаш, белги ҳаракат тушунчаларини ифодалаш, эмоцияларни билдириш ва у кабилардан иборат. Грамматик маъно лексик маънонинг категориал либосидир. Масалан, отлардаги род, сон, аниқлик ва ноаниқлик категориялар, феъллардаги замон, майл нисбат шахс ва сон категориялари лексик маънони конкретлаштиради. Уларнинг формал маънолари эса сўз орасидаги муносабатларни кўрсатади.

2. Категориал маънога эга ёки эга эмаслиги билан. Грамматик маънонинг кўлами лексик маънониқига нисбатан анча кенг ва мавҳумдир.

Грамматик маънонинг кўлами Лексик маъноникига нисбатан анча кенг ва мавҳумдир.

3. Англашилган маънонинг кўлами билан. Лексик маъно алоҳида олинган сўзларда ёки сўзлар гуруҳида ифодаланиши мумкин. Грамматик маъно эса сўзларнинг бутун бир туркумидан ёки туркумдош сўзларнинг аксариятидан англаб олинади.

4. Грамматик маънонинг муқаррарлиги билан. Грамматик маънолар сўзларнинг луғавий маъноларига шунчаки қўшилиб келадиган маънолар эмас. Бинобарин, иатлян тилида от, род, сон, аниқлик, ноаниқлик грамматик категорияларисиз, феъл эса шахс, сон, майл, замон, нисбат категорияларисиз тасаввур қилинмайди. Муқаррар категориялар мажмуаси сўзнинг грамматик формасини ташкил этади.

5. Сўз референциал табиатининг ўзгариши ёки ўзгармаслиги билан. Сўзга грамматик унсур қўшилиши билан сўзнинг лексик маъноси ўзгармайди ва у аввалгидай моддий борлиқдаги ўша объектни англатаверади. Лекин, бирор бир лексик элемент сўзга қўшилса, унинг маъноси ўзгаради ва убошқа референтга ишора қилади.

6. Грамматик маънолар доирасининг чекланганлиги. Сўзда грамматик маънолар сони чекланган бўлиши лозим. Чунки сўзда қўшимча грамматик маъно гавдаланса, уларга хос грамматик маънолар сони ҳам ошиб кетади ва натижада мулоқотнинг қийинлашишига олиб келади. Зеро, лексик маъно чексиз экан, грамматик маъно чекланган бўлиши лозим.

Ушбу бўлимга хулоса тариқасида шуни таъкидлаш лозимки, грамматик категория тушунчасини англаб етиш учун аввало, тилдаги лексик ва грамматик маъно тушунчаларини фарқлаш лозим бўлади. Уларнинг ўртасидаги ўзаро фарқни тўғри тушуниб етгандан сўнггина грамматик категория тушунчасини идрок қилиш мумкин бўлади. Бинобарин, тилда грамматик категория грамматик маъно ва грамматик шакл йиғиндисидан келиб чиқади.

2. Феълларда шахс ва сон категорияси

Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан тилларда турли грамматик маънолар учрайди. Лекин, бу грамматик маънолар ва уларнинг ифода усуллари ҳамма тиллар учун умумий ва бир хил эмас. Ҳар бир тилда ўзига хос грамматик маънолар ва уларни ифодалаш усуллари мавжуд. Улар айрим-айрим ҳолда эмас, балки маъно турларининг яқинлигига кўра гуруҳ-гуруҳ ҳолда учрайди. Бундай гуруҳларда улар сон жиҳатдан камида иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ана шундай бирикмалар тилшуносликда грамматик категория, яъни умумлашган грамматик маъно бўлиб, у тилнинг қайси морфологик турга киришини кўрсатади ва ўз ифодасини сўзларнинг ўзгаришида ёки гапда сўзнинг боғланишида топади.

Феъл сўз туркуми бошқа сўз туркумларига қараганда анча бой ва мураккаб грамматик категориялар тизимига эгаллиги билан ажралиб туради. Италия тили грамматикасида феъл сўз туркумининг грамматик категориялари шахс, сон, замон, майл ва нисбат категорияларидан иборатдир. Лекин, баъзи грамматик тилшунослар шахс ва сон категориясини феълнинг грамматик категориялари қаторига киритиш керакми ёки йўқ деган мунозарали саволни ҳам ўртага ташлаганлар. Бироқ, шахс ва сон категориясисиз феълнинг грамматик моҳиятини очиб бериш мумкин эмас.

Италян тилида феъл категориялари синтетик ва аналитик шаклларда ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам аффиксация, ички флексия ва ёрдамчи сўзлар бундай грамматик категорияларни ифодалаш воситалари бўлиб хизмат қилади. Италия тили феъл тизимида шахс ва сон категорияси фақат синтетик шаклга, нисбат категорияси аналитик шаклга, замон, ва майл категориялари эса синтетик ва аналитик шаклларга эга.

Феъл сўз туркумига хос бўлган шахс ва сон категорияси ички парадигма асосида содир бўлиб, феъл шахсли шаклининг ҳар қандай парадигмасида мавжуддир. Италия тилида феъллардаги шахс ва сон категорияси бошқа тилларга нисбатан унчалик кенг тараққий этмаган. Негаки, мавжудлик маъносидаги феъллардан ташқари барча феъллар шахс

шаклига эга эмас. Мавжудликни ифодалайдиган феъллар шахс ва сон категориясига эга. Бундай феъллар ҳозирги замонда ассиметрик парадигмани ташкил этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, италян тили феълларига хос бўлган шахс ва сон категорияси айрим ҳолларда ассиметрик тарзда парча-парча кўринишида намоён бўлиши мумкин экан. Бу ҳолат қадимги италян тилидан ҳозирги замон италян тилига қолган меъросдир. Негаки, қадимги италян тили феъл тизимида шахс ва сон категорияси анча яхши ривожланган бўлган.

Шахс-сон маънолари феълга хос грамматик маънолар бўлиб, бу маънолар италян тилида бир-бирига қиёсан олинishi мумкин бўлган бир неча шакллар орқали ифодаланади. Масалан, қуйида италянча *andare* (*бормоқ*) феълнинг ҳозирги замон тусланишига эътибор қилсак, бу тилда феълларга хос шахс ва сон категорияси анча кенг ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз : *andare* - *бормоқ*

Бирлик:

Кўплик:

1-шахс : *vado*

1-шахс : *andiamo*

2-шахс : *vai*

2-шахс : *andate*

3-шахс : *va*

3-шахс : *vanno*;

Феълларнинг тусланишли шаклларида ҳаракатнинг бажарувчиси, яъни бажарувчи шахс ҳам кўрастилади. Ҳаракат бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ёки ўзаро суҳбатда иштирок этмайдиган ўзга шахс бўлиши мумкин. Бу маънолар махсус формантлар ёрдамида ифодаланади. Шахс билдирувчи формантлар айнаи вақтда бажарувчининг сон-миқдорини ҳам кўрсатади. Бажарувчининг бирдан ортиқлигини кўрсатувчи шакл шу шахснинг кўплик шакли ҳисобланади. Масалан, *andare* - *бормоқ* феъли 1-шахс бирликда *vado* – *борапман* бўлса, 1-шахс кўпликда эса *andiamo*- *борапмиз* шаклига эга

бўлади ва бу шакллар ўзларида ҳам шахс ва ҳам сон категорияларини акс эттира олади.

Феълларнинг тусланишли шаклида ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам кўрсатилади. Ҳаракат бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ёки ўзаро суҳбатда иштирок этмайдиган ўзга шахс бўлиши ҳам мумкин. Бу маънолар италян тилида махсус формантлар ёрдамида ифодаланади. Шахс билдирувчи формантлар бир вақтнинг ўзида ҳаракат бажарувчисининг сон – миқдорини ҳам кўрсатади. Бажарувчининг бирдан ортиқлигини кўрсатувчи шакл шу шахснинг кўплик шакли бўлиб ҳисобланади. Масалан, *andiamo* - *боряпмиз* 1-шахс кўплик маъносини англатади. Қуйида ҳар бир шахснинг бирлик ва кўплик шакллари алоҳида тавсифлашга ҳаракат қиламиз:

- Биринчи шахс бирлик шакли ҳаракат бажарувчиси сўзловчининг ўзи эканлигини кўрсатади, яъни 1-шахс : *vado* сингари. Унинг кўплиги эса, яъни *andiamo* ҳаракатнинг сўзловчи мансуб бўлган жамоага тегишли эканлигини кўрсатади.

- Иккинчи шахснинг бирлиги, яъни *vai* ҳаракатнинг бажарувчиси тингловчи эканини, кўплиги эса тингловчи мансуб бўлган жамоа эканини кўрсатади, яъни *andate* сингари.

- Учинчи шахс шакли сўзловчи ва тингловчидан ташқари, бошқа бир шахс, яъни *va* каби ёки шахслар гуруҳи ҳаракат бажарувчиси эканлиги тушунилади, яъни *vanno* сингари.

Феълларнинг биринчи ва иккинчи шахс шакли фақат кишиларга нисбатан, учинчи шахс шакли эса нафақат, киши, балки предметларга нисбатан ҳам қўлланади.

Умуман олганда, италян тили феълларига хос бўлган шахс ва сон категорияси ҳақида шундай хулосага келиш мумкинки, улар италян тилида анча яхши ривожланган бўлиб, бу икки грамматик категорияни бири бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

3. М а й л в а з а м о н к а т е г о р и я с и

Италян тили феъл тизимида замон ва майл маъноларини ифодаловчи шаклларнинг турли хил гуруҳи мавжуд бўлиб, улар ҳозирги, ўтган ва келаси замон шаклларида ўз ифодасини топади. Италян тили феъл тизимида хос бўлган замон грамматик категорияси ҳаракатнинг нутқ моментига бўлган муносабатини англатади. Феъллардаги замон категорияси материянинг мавжудлик шакли сифатидаги вақтнинг акс этишидир. Ҳаракат гапирилиб турган нутқ momenti билан бир вақтда, нутқ momentидан олдин ва нутқ momentидан сўнг содир бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ феълларда уч хил замон шакли мавжуд бўлиб, булар ҳозирги замон, ўтган замон ва келаси замон деб аталади. Замон грамматик категориясига берилган бундай таъриф ҳар бир замон шаклининг нутқ momenti билан мос келиш заруратидан келиб чиққан бўлиб, материямизда содир бўладиган барча хил иш-ҳаракатлар шу уч замон асосида намоён бўлади. Шундай қилиб, нутқ momenti замон шакллари учун асосий нўқта бўлиб ҳисобланади.

Италян тилида аниқлик, буйруқ, истак ва шарт майллари мавжуд бўлиб, улардан ташқари, феълларнинг шахсиз шакллари ҳам уларнинг грамматик фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Аниқлик майлининг 8та замони мавжуд бўлиб, шундан 4таси оддий замонлар, қолган 4таси эса мураккаб замонлар туркумига мансубдир.
- Буйруқ майлининг 1та замон мавжуд бўлиб, у ҳам оддий замон туркумига киради.
- Шарт майлининг 2та замони мавжуд бўлиб, шундан 1таси оддий замонлар, қолган яна 1таси эса мураккаб замонлар туркумига мансубдир.
- Истак майлининг 4та замони мавжуд бўлиб, шундан 2таси оддий замонлар, қолган яна 2таси эса мураккаб замонлар туркумига мансубдир.

- Феълларнинг инфинитив, сифатдош ва герундий сингари шахсиз шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам оддий ва мураккаб замонларда ўз аксини топади.
- Инфинитивнинг 2та замон шакли мавжуд бўлиб, шундан 1таси оддий, 1таси эса мураккаб замон шакллари.
- Сифатдошнинг 2та замон шакли мавжуд бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам оддий замон шаклларига мансубдир.
- Герундийнинг 2та замон шакли мавжуд бўлиб, шундан 1таси оддий, 1таси эса мураккаб замон шакллари.

Биз юқоридаги маълумотларни кўз олдимизда яққол намоён бўлиши учун уларни қуйидагича жадвал асосида акс этиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Майл турлари	Оддий замонлар (ёрдамчи феълларсиз ясаладиган)	Мураккаб замонлар (ёрдамчи феъллар билан ясаладиган)
Аниқлик майли (8 та замон)	<i>Presente</i> <i>Imperfetto</i> <i>Passato remoto</i> <i>Futuro semplice</i>	<i>Passato prossimo</i> <i>Trapassato prossimo</i> <i>Trapassato remoto</i> <i>Futuro anteriore</i>
Буйруқ майли (1 та замон)	<i>Presente</i>	-
Шарт майли (2 та замон)	<i>Presente</i>	<i>Passato</i>
Истак майли (4 та замон)	<i>Presente</i> <i>Imperfetto</i>	<i>Passato</i> <i>Trapassato</i>
Феълларнинг шахсиз шакллари	Оддий замонлар	Мураккаб замонлар
Инфинитив (2 та замон)	<i>Presente</i>	<i>Passato</i>
Сифатдош (2 та замон)	<i>Presente</i> <i>Passato</i>	- -
Герундий (2 та замон)	<i>Presente</i>	<i>Passato</i>

Майл категорияси ҳаракат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини кўрсатади. Бу алоқа ва муносабатнинг турлича

бўлишидан майлнинг ҳам бир неча тури бўлади ва ҳар бир турга хос маънолар махсус шакллар орқали ифодаланади.

Майл шакллари феъллар орқали бериладиган модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бу модал маънолар реаллик, фараз, иккиланиш, истак-ҳохиш каби маъноларни ўз ичига олади.

Майл категорияси бошқа тиллардаги каби ҳозирги замон италян тили феъл тизимида ҳам феълнинг гапда кесим вазифасида келадиган шахсли шаклларигагина хос категориядир. Италян тили грамматикасида майлнинг тўрт хил тури мавжуд : аниқлик майли, буйруқ майли, истак-ҳохиш майли ва шарт майли .

А н и қ л и к м а й л и реал борлиққа мос келадиган ҳаракат ва ҳолатни ифодалаш учун хизмат қилади. Бу майл феълларнинг барча замон турларини ўз ичига олади. Бу замон турлари содир бўлаётган, содир бўлган ва содир бўладиган ҳаракат ёки ҳолатдан иборат. Гапирувчи аниқлик майли шаклларида фойдаланган ҳолда реал ҳаракатни назарда тутиб хабар беради ва феъл шакллари орқали ҳаракатнинг борлиққа бўлган муносабатини ифодалайди. Аниқлик майлининг модаллик маъноси ҳаракат реаллигини шу ҳаракат ҳақидаги хабардан узоқлашмаган ҳолда кўрсатишдан иборатдир.

Б у й р у қ м а й л и бирор бир ҳаракатни бажаришга ундаш маъносини ифодалайди. Маълум бир ҳаракатни амалга оширишга ундаш маъноси буйириш, таъқиқлаш, илтимос кабилардан иборат бўлиши мумкин.

И с т а к – ҳ о х и ш м а й л и фараз қилинадиган, мумкин бўладиган, ҳохланадиган ҳаракатни, яъни реал борлиқдаги ҳаракатларга зид келадиган ҳаракатни ифодалаш учун хизмат қилади.

Ш а р т м а й л и бошқа бир ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт бўлган ҳаракатни билдиради. Бирор бир ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги шарт майли шакли ҳаракатнинг бажарилиш ва бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Ҳозирги замон италян тилининг аниқлик майлида *Presente*, *Futuro semplice*, *Futuro anteriore*, *Passato prossimo*, *Passato remoto*, *Imperfetto*, *Trapassato prossimo*, *Trapassato remoto* каби 8та замон мавжуддир. Қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида ва қисқача тарзда изоҳ беришга ҳаракат қиламиз.

Presente (ҳозирги замон) замон шаки италян тилида феъл ўзагига қуйидагича қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади:

		1 тусланиш	2 тусланиш	3 тусланиш
		<i>cantare</i>	<i>credere</i>	<i>partire</i>
	1-шахс.	<i>canto</i>	<i>credo</i>	<i>parto</i>
Бирлик	2-шахс.	<i>canti</i>	<i>credi</i>	<i>parti</i>
	3-шахс.	<i>canta</i>	<i>crede</i>	<i>parte</i>
	1-шахс.	<i>cantiamo</i>	<i>crediamo</i>	<i>partiamo</i>
Кўплик	2-шахс	<i>cantate</i>	<i>credete</i>	<i>partite</i>
	3-шахс.	<i>cantano</i>	<i>credono</i>	<i>partono</i>

Нотўғри феълларнинг ҳозирги замонда тусланишининг ўзига хос айрим мустасно ҳоллари мавжуддир. Булар қуйидагилар:

Бир қатор феъллар ўзининг махсус тусланиш шаклига эга. Масалан, *avere* ва *essere* феъллари :

		<i>avere</i>	<i>essere</i>
	1-шахс	<i>ho</i>	<i>sono</i>
Бирлик	2-шахс	<i>hai</i>	<i>sei</i>
	3-шахс	<i>ha</i>	<i>è</i>
Кўплик.	1-шахс	<i>abbiamo</i>	<i>siamo</i>

	2-шахс	<i>avete</i>	<i>siete</i>
	3-шахс	<i>hanno</i>	<i>sono</i>

Бундан ташқари, куйидаги модал феъллар ҳам шулар жумласидандир:
Potere (қила олмоқ): *posso, puoi, può, possiamo, potete, possono;*

Volere (хоҳламоқ): *voglio, vuoi, vuole, vogliamo, volete, vogliono;*

Dovere (қилиши керак бўлмоқ): *devo (редко debbo), devi, deve, dobbiamo, dovete, devono (редко debbono)*

Sapere (билмоқ): *so, sai, sa, sappiamo, sapete, sanno;*

Шунингдек, бир қатор бошқа феъллар ҳам ҳозирги замонда алоҳида тусланиш шаклларига эга: *Andar, Stare, Dare, Fare, Dire, Bere, Tradurre.*

Италян тилида феълларнинг ҳозирги замон шакллари маълум бир ҳаракат ва ҳолатни нутқ моментида мос келадиган ҳозирги пайтда содир бўлаётганини ифодалайди. Улар нутқ моменти билан чегараланган ёки чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан:

Ve lo prometto. – *Мен сизга ваъда бераман.* - чегараланган;

Mario dorme. – *Марио ухляпти.* - чегараланмаган;

Ҳозирги замон италян тилида куйидаги маъноларни ифодалаш учун қўлланиши мумкин:

1. Келаси замон маъносида: *Domani vado a Venezia.* – *Эртага мен Венецияга бораман.*
2. Ҳозир келаси замон маъносини ифодалаш учун: *Mario sta per partire (stare lì lì per partire).* - *Марио манна ҳозир жунаб кетмоқчи.*
3. Келаси замон маъносидаги буйруқ, истак, тавсия маъноларини ифодалаш учун: *Facciamo così. Io suono la chitarra e tu canti.* – *Шундай қиламиз. Мен гитара чаламан, сен эса куйлайсан.*

4. Риторик маъносини ёки фараз қилиш маъносини ифодалаш учун:

Allora, ti telefono? – Демак, сенга телефон қилишим керакми?

5. Ўтган замон маъносини ифодалаш учун ишлатилади ва у Presente storico деб аталади ва у тингловчини ўша воқеанинг айна гувоҳи эканлигини ифодалайди. У доимо нутқ моментида келиб чиқади. Бу замон қўлланилишининг асосий ҳолатларидан бири тарихий ҳозирги замон сифатида ишлатилишидир. У кўпроқ бадий адабиётларда воқеа-ҳодисаларни янда жонли ва чиройли ифодлаш учун хизмат қиладиган стилистик усул сифатида қўлланилади: *E come narra la leggenda, Romolo e Remo decidono di costruire una città di uomini liberi.* – Афсонада айтилишича, Ромул ва Рем озод кишилар шаҳрини қуришга қарор қилмоқда..

6. Маълум бир вақтга алоқадор бўлмаган абсолют ҳаракат, белги ва ҳолат тушунчаларини ифодалаш учун: *La Terra si muove.* – Ер айланиб туради. Бундай ҳолатни мақол ва маталлар таркибида ҳам учратиш мумкин: *Chi cerca, trova.* – Излаган топади.

Futuro semplice (Содда келаси замон) замони қуйидагича ясалади:

		1 тусланиш	2 тусланиш	3 тусланиш
		<i>cantare</i>	<i>credere</i>	<i>partire</i>
	1-ш.	<i>canterò</i>	<i>crederò</i>	<i>partirò</i>
Бирлик	2-ш.	<i>canterai</i>	<i>crederai</i>	<i>partirai</i>
	3-ш.	<i>canterà</i>	<i>crederà</i>	<i>partirà</i>
	1-ш.	<i>canteremo</i>	<i>crederemo</i>	<i>partiremo</i>
Кўплик	2-ш.	<i>canterete</i>	<i>crederete</i>	<i>partirete</i>
	3-ш.	<i>canteranno</i>	<i>crederanno</i>	<i>partiranno</i>

Бунда *avere, essere* ва *tenere* феъллари махсус тусланиш шаклларига эга. Айрим италянча феъллар бу замонда икки хил шакл касб этади, масалан, *Morire: a) morirò; b) morirò*.

Бу замоннинг ўзига хос хусусиятли томонларидан бири шундаки, у ҳозирги замонга нисбатан бўлган келаси замон маъносини эргаш гап таркибида ифода этиши мумкин. Масалан, *Ti scriverò. – Мен сенга хат ёзаман. Dice che lo farà stasera. – У буни бугун кечқурун қилишини айтаяпти.*

Futuro semplice замони бошқа замон ва майллар маъносида ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, буйруқ майли маъносида : *Lo farai tu stesso!* – *Буни сен ўзинг қиласан!*

Futuro anteriore замони *avere* ва *essere* ёрдамчи феъллари орқали ясалади. Бу замон эргашган қўшма гапларда келаси замон маъносини ифодалаш учун ишлатилади ва у гапларда *quando, dopo che, appena* каби боғловчилар орқали намоён бўлади. Масалан: *Appena avrò letto il libro, te lo restituirò. – Кимбди бўлганимдан сўнг уни сизга қайтараман.*

Бундан ташқари, *Futuro anteriore* замони маълум бир муддат ичида тугатилиши мумкин бўлган ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, *Fra un'ora avrò finito il lavoro. – Икки соатдан сўнг мен ишимни тугатаман.*

Passato prossimo замони яқинда тугалланга иш-ҳаракатни англатиб, бу ҳаракатнинг ҳозирги замонга алоқаси бўлмайди. Масалан, *Ieri ho ricevuto un telegramma. – Кеча мен телеграмма олдим.* Бундан ташқари, у тугалланган иш – ҳаракатни ифодалашда *Passato remoto* маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Бу ҳолат тарихий воқеа-ҳодисаларни ифодалаш учун жуда кул келади. Масалан, *Allora Cesare ha preso una di quelle decisioni che cambiano la storia dei popoli.*

Passato remoto тугалланган ўтган замон иш-ҳаракатини ҳозирги замонга боғлиқ бўлмаган ҳолда ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *Michelangelo morì all'età di novant'anni.* - Микеланжело тўқсон ёшда вафот этган. Бу замон оғзаки нутқда кетма-кет содир бўлувчи ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Масалан, *Arrivò Romolo. Così Numitore apprese la verità, e i due gemelli si recarono coi loro compagni al palazzo reale, dove uccisero il crudele Amulio.*

Бундан ташқари, бу замон доимо ўз ички тавсифига кўра батамом тугал ҳаракатни ифодаламасдан, балки, маълум бир муддат ичида давом этувчи ҳаракатни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан, *Vissero in quella città fino al 1964.* - Улар ушбу шаҳарда 1964 йилгача яшади.

Imperfetto замони ҳаракатнинг содир бўлиш жараёнида келгусида тугалланмаган ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди. Бу Imperfetto narrativo замони ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *Era una tipica giornata di ottobre. Il cielo era coperto, piovigginava.*

Бу замон суҳбат бошидаги хушмуомалалик маъносини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Масалан, *Desiderava, signore? – Нима хоҳлайсиз, жаноб?* Шунингдек, у Condizionale passato маъносини ҳам ифодалаши мумкин : *Un altro po' e lo ammazzavano (l'avrebbero ammazzato).*

Trapassato prossimo замони ўтган замондаги келаси замон маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *Stava meglio. Il cane gli aveva fatto passare il mal di testa.* Унинг яна бир хусусиятли томонидан бири шундаки, ундаги ҳаракат маъноси атрофдаги гаплар билан мантиқан алоқадор бўлиб уларнинг бу хусусияти контекст билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Масалан, *Stava già meglio. Il sonno lo aveva ristabilito (Stava già meglio perchè il sonno lo aveva ristabilito.).*

Trapassato remoto ҳозирги замон италян тилида фақат ёзма нутққа хос бўлиб, у жуда камдан-кам ҳолларда қўлланади. У гапда *appena, appena che, non appena che, quando, finchè* каби боғловчилар орқали акс этади. Масалан, *Dopo che il postino gli ebbe consegnato il telegramma, lo aprì e lo lesse.* – *Хам ташувчи унга хатни берган заҳоти у уни шу ерда очди ва ўқиди..*

Буйруқ майлининг Imperativo замони буйруқ, илтимос, маслаҳат таъқиқ каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Италян тилида бу замоннинг кўп шакллари Presene Indicativo билан мос келади. Масалан, *Raccontiamo!* (Ҳикоя қиламиз!) ва *raccontiamo* – *ҳикоя қилаямиз, Raccontate!* (Ҳикоя қилинг!) ва *raccontate* – *ҳикоя қилаянсиз.*

Шарт майли иккита замонга эга бўлиб, улар *presente* ва *passato* бўлиб ҳисобланади. Улар маълум бир иш-ҳаракатнинг амалга ошиши учун бирор бир ҳаракатнинг шарт эканлигини билдиради. Масалан, *Ora (domani) verrei con voi, se mi invitaste. Ieri sarei venuto con voi, se mi aveste invitato.* Бу замонлар ҳеч қачон маълум бир шартни эмас, балки улар шартнинг натижасини ифодалайди.

Италян тилида феълларга хос бўлган соф замон маъносига эга бўлган шакллар италянча феълларнинг қолган бошқа шакллари билан таққосланганда ҳаракатни нафақат вақт нуқтаи назаридан, балки ҳаракат содир бўлишининг характери нуқтаи назаридан баҳолайди. Уларнинг умумий хусусиятларидан бири ҳар бир шаклларида маълум бир замонга хос маънонинг мавжудлиги.

Х У Л О С А

Феъл мустақил сўз туркуми бўлиб, у ҳаракат, ҳолат ёки жараёни, яъни маълум бир белгининг пайдо бўлиши ва ўзгариши кабиларни ҳаракатни ифодалайди. Феълга хос бундай маъноларнинг барчаси уни бошқа сўз туркумларидан фарқлашга ёрдам берадиган умумий ҳаракат маъносига бориб тақалади.

Роман тилшунослари таъкидлаганидек, феъл вақт давомида содир бўладиган белгининг, ҳаракатнинг грамматик аҳамиятини ифодаладиган сўз туркуми бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатнинг грамматик аҳамиятини кенг маънода тушуниш мумкин. У нафақат ҳаракат ва том маънодаги фаолиятни ифодалайди, балки ҳолатни ва маълум бир предмет ёки шахснинг мавжудлигини кўрсатади.

Муҳими шундаки, феъл ўзида маълум бир вақт давомида содир бўладиган ҳаракатга хос хусусиятларни акс эттиради. Бу хусусиятлар феълнинг шахсли шаклларида намоён бўлади ва шунинг учун ҳам феъл шахсли шаклларининг синтактик вазифаси гапда фақат кесим сифатида қўлланилишдан иборатдир.

Феълнинг сўз ўзгартириш тизими бошқа сўз туркумларига қараганда анча бой ва хилма-хилдир. У нафақат флексив тилларга хос бўлган синтетик усулга эга, балки ўзакка формантлар қўшилиши ёки аналитик усулга ҳам эгадир. Шунини таъкидлаш жоизки, феъл аналитик шаклларга эга бўлган ягона сўз туркуми ҳисобланади. Феълларнинг сўз ўзгартирувчи тизимига алоҳида эътибор қилсак, аффиксация усули билан ясаладиган суффиксли феъллар анча кўпчиликни ташкил этишининг гувоҳи бўламиз.

феъллар гапда доимо кесим вазифасини ўтайди. Бу ҳолат эса уларнинг синтактик хусусиятларини кўрсатувчи асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Хусусан, уларнинг гапда от кесим ва феъл кесим вазифасида иштирок этиши шулар жумласидандир. Феъллар ёрдамида амалга ошадиган бундай синтактик ҳодисалар уларга хос предикативлик функциясини намоён этувчи муҳим синтактик жараёнлардан бири бўлиб хизмат қилади. Келтирилган бу

ҳолатлар феълларганинг шахсли шакллариға хос хусусиятлар бўлиб саналади.

Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, италян тилида феълларнинг шахсиз шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларда шахсли шакллар эға бўлган хусусиятларни ўзларида акс эттириш хусусияти мавжуд эмас, яъни улар шахсли шаклларға эға бўлган феъллардан синтактик нуктаи назардан тубдан фарқ қилади. Яъни улар гапда кесим вазифасида эмас, балки, бошқа гап бўлаклари, жумладан, эға, тўлдирувчи ва аниқловчи каби синтактик функцияларни бажариши мумкин.

Биз италян тили феъл тизимиға тегишли бўлган грамматик категорияларни бирма-бир кўриб чиқиш жараёнида уларнинг нақадар серқирра ва ўзига хос хусусиятларға бой эканлигиға амин бўлдик. Италянча феъл грамматик категорияларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, қуйидагича хулосаларға келдик.

1. Ҳар бир тилда ўзига хос грамматик маънолар ва уларни ифодалаш усуллари мавжуд. Улар айрим-айрим ҳолда эмас, балки маъно турларининг яқинлигиға кўра гуруҳ-гуруҳ ҳолда учрайди. Бундай гуруҳларда улар сон жиҳатдан камида иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ана шундай бирикмалар тилшуносликда грамматик категория, яъни умумлашган грамматик маъно ҳисобланиб, у тилнинг қайси морфологик турға киришини кўрсатади ва сўзларнинг ўзгаришида ёки гапда сўзнинг боғланишида ўз ифодасини топади.

2. Италян тилида феъл категориялари синтетик ва аналитик шаклларда ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам аффиксация, ички флексия ва ёрдамчи сўзлар бундай грамматик категорияларни ифодалаш воситалари бўлиб хизмат қилади. Италян тили феъл тизимида шахс ва сон категорияси фақат синтетик шаклға, нисбат категорияси аналитик шаклға, замон, тур ва майл категориялари эса синтетик ва аналитик шаклларға эға.

3. италян тили феъл сўз туркумиға хос бўлган шахс категорияси фақат биргина ҳолатда, яъни истак-ҳоҳиш майли ноаниқ ҳозирги замондаги учинчи

шахс кўплик шаклида аниқ намоён бўлади, яъни инфинитивга –s кўшимчаси кўшилади: *writes*. Учинчи шахс шакли эса қолган барча шахс шаклларига карама-қарши туради. Шундай қилиб, ноаниқ ҳозирги замонда шахс категорияси фақат биргина ҳолатда шаклан намоён бўлади, яъни бошқа шахсларда кўшимчанинг мавжуд эмаслиги уларнинг учинчи шахс бирлик эмаслигини инкор этади. Ўтган замон шаклларида шахс категорияси йўқ.

4. Сон категорияси шахс категориясига қараганда анча сустривожланган. Фақат ноаниқ ҳозирги замондаги –s кўшимчали учинчи шахс шакли бирликни ифодловчи бирдан-бир унсурдир. Бироқ, у бирликдаги барча шахсларга хос эмас, шунинг учун ҳам у нафақат кўплик шаклларга нисбатан карама-қарши туради, балки морфологик ифода унсурига эга бўлмаган айрим бирлик шаклларга ҳам тескаридир.

5. Италия тили феълларига хос бўлган аспект категорияси иш-ҳаракатнинг вақт давомида содир бўлиш усули ва характери кўрсатади. Бу шундан далолат берадики, аспект категорияси иш-ҳаракатнинг содир бўлиш характери замон категорияси билан боғлиқ тарзда аниқловчи грамматик категория ҳисобланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, италянча феъл сўз туркумига хос бўлган аспект грамматик категорияси тилда иккиламчи вазифани бажарса, замон категорияси эса бирламчи вазифани бажаради. Бундай ҳолат аспект шакллари замон шаклларида ажралган ҳолда алоҳида мавжуд бўла олмаслигини кўрсатади.

6. Майл шакллари феъллар орқали бериладиган модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бу модал маънолар реаллик, фараз, иккиланиш, истак-ҳоҳиш каби маъноларни ўз ичига олади. Майл категорияси бошқа тиллардаги каби ҳозирги замон италян тили феъл тизимида ҳам феълнинг гапда кесим вазифасида келадиган шахсли шаклларигагина хос категориядир. Италия тили грамматикасида майлнинг уч хил тури мавжуд : аниқлик майли, буйруқ майли, истак-ҳоҳиш майли.

7. Мажхул даража синтактик қурилма эгаси томонидан иш-ҳаракатни ўзига қабул этишни ифодалайди. Бу қурилмалардаги эга мажхул ёки пассив

эга деб юритилади ва иш-ҳаракатнинг объекти вазифасини ўтайди. Аниқ нисбат шакли бу оппозициянинг кучсиз аъзоси бўлиб, мазкур маънони умумлаштирган ҳолда номажҳуллик тарзида ифода этади. Бу номажҳуллик ўзбек тилида каузатив нисбат, ўзлик нисбат, биргалик нисбатлар тарзида намоён бўлиши мумкин. Италия тилида фелларнинг мажҳул нисбат шаклида ишлатилиниш кўлами анча кенгдир. Жумладан, италян тилида ўзбек тилидагидек факатгина ўтимли феъллар эмас, балки ўтимсиз феъллар ҳам мажҳул нисбат шаклида ишлатилаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент, 1958,162
2. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973,189
3. Асқарова М. Боғловчи – юклама ҳақида. О.: Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, 5-сон
4. Асқарова М.А. Қўшма гап қисмларининг боғловчилар орқали бирикиши. – Тошкент, 1963,147
5. Бозоров О. Натижа эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик табиати ва –ки ёрдамчисининг функцияси. Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари. – Тошкент, 1979
6. Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев И., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили дарслиги. 1-қисм. – Тошкент, 1961,-215 б.
7. Кононов А.А. Грамматика современного узбекского языка. –М. –Л., 1960, -213 с.
8. Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. – Тошкент: Фан, 1972,156
9. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978,173

10. Мухторов Ж. Союзы в современном узбекском языке. АҚД. – Самарканд, 1955, 84
11. Мухторов Ж. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчилар. – А. Навоий номидаги ўзбек давлат университети асарлари. Янги серия, 66. - Самарканд, 1956
12. Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг грамматик семантик хусусиятлари. – Тошкент, 1983, 168
13. Русская грамматика. Т.1. М.: Наука, 1982, 258
14. Турсунов У., Мухторов Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975, 220
15. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. – Тошкент, Ўзфанакадемнашр, 1953, 145
16. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1-том, 1975; 2-том, 1976, 250
17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 – том. – М.: Русский язык, 1981, 354
18. Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, СамДУ, 2001
19. Ўзбек филологияси масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Навоий, 2001
20. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 1957, 238
21. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 243
22. Ҳозирги ўзбек тили. 1-қисм. – Тошкент, 1966, 240
23. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Сайфуллаева Р.Р. ва бошқалар). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан ва технология, 2009, 180
24. Alessandro Scansetti, Nozioni di grammatica, lingua e letteratura italiana, Societa editrice Dante Alighieri, 1954
25. Alfredo Panzini, Augusto Vicinelli “La parola e la vita” (Dalla grammatica all’analisi stilistica e letteraria), cap. “Primi segni e prime parole”, “La fantasmagoria delle radici”, Mondadori, 1963
26. Battaglia Salvatore, Pernicone Vincenzo, La grammatica italiana,

Torino, Loescher, 1971

26. Carla Franceschetti, L'italiano corretto (Migliorate il vostro italiano in 40 giorni) Giovanni De Vecchi Editore – Milano, 1986, p.146
27. Dardano M., Pietro T. La lingua italiana, Zanichelli, Torino, 2003
28. De Mauro T., Grande Dizionario italiano dell'uso, UTET, Torino, 2000
29. Dino Provenzal, Grammatica italiana, Edizioni scolastiche, Mondadori, 1954, p. 143-145
30. Dizionario Enciclopedico Sansoni, Firenze, 1953, E-L, p.804
31. Dubois, J., Giacomo, M., Guespin, L., Mevel, J.P., Dizionario linguistico, Zanichelli, 1979
32. E. Paniate, Grammatica viva della lingua italiana (Studio pratico del lessico avviamento alla composizione), 1959, S. Lattes & C. – Edizioni – Torino, p. 262-264
33. Emanuele Turchi, Grammatica italiana ad uso delle scuole ginnasiali, tecniche, complementari e normali, Roma-Milano, 1909, p.207
34. Enciclopedia Rizzoli per i ragazzi, Rizzoli Editore – Milano, 1971
35. Enrico M. Fusco, Marino Trevissoi “Pensare e dire” (Grammatica ed esercizi di lingua italiana), Torino, 1956, p.226
36. F. Zambaldi, Grammatica della lingua italiana, Milano, 1907, p.54
37. Giacomo Devoto, Avviamento alla etimologia italiana – Dizionario etimologico, Firenze, 1967
38. Gianni Cesana “Dizionario ragionato dei sinonimi e dei contrari”, Milano, 2001
39. Giuseppe Caciagli, Grammatica italiana, Vittorio Bonacci Editore – Roma, Seconda edizione, 1959, p.135
40. Isabella Poggi ed Emanuela Mango Caldognetto “Il parlato emotivo. Aspetti cognitivi, linguistici e fonetici”, Università Roma Tre
41. Serianni L. Grammatika italiana, UTET, Torino, 1999

